

**SCIENCE  
PROBLEMS.UZ**

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences  
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar  
fanlarning dolzARB  
muammolari**

Jild 3, Son 12/1

**2023**

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

**№ 12/1 (3)-2023**

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2023**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### **07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:**

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

### **08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:**

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўкташович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б., Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### **09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:**

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яҳшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукахаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

### **10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шуҳрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салаҳутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### **12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:**

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Ҳуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфизилиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси

Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Файбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амирнов Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судъялар олий кенгаши хузуридаги Судъялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич – юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Тошкент давлат юридик университети.

### **13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:**

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги

педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази; Тайланова Шохида Зайневна – педагогика фанлари доктори, доцент.

### **19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарқанд вилоят ИИБ Тиббиёт бўйими психологик хизмат бошлиғи.

### **22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Марҳабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

### **23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР**

Назаров Насридин Атакуллович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

## **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.  
Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"  
масъулияти чекланган жамият.

### **Таҳририят манзили:**

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-үй. Электрон манзил:  
[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

Телеграм канал: [https://t.me/scienceproblems\\_uz](https://t.me/scienceproblems_uz)

## **МУНДАРИЖА**

### **07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ**

<i>Елмуратов Икматулла Гайбуллаевич</i> ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДАГИ БИРИНЧИ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ТАРИХИ (1931-1936 ЙИЛЛАР) .....	12-18
<i>Qitaybekov Azizbek Kenesbek o'g'li</i> QORAQALPOG'ISTONDA HAVO TRANSPORTINING SHAKLLANISHIDA "DOBROLET" AKSIYADORLIK JAMIYATINING O'RNI .....	19-23
<i>Nawrizbaeva Nurjamal Qudaybergenovna</i> QORAQALPOQLARNING GILAMCHILIGI BILAN BOG'LIQ BA'ZI MAROSIMLAR .....	24-29
<i>Сайдуллаев Фаррух Умедулло ўғли</i> МУҲАММАД ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙНИНГ ЭТНОЛОГИК ВА ЭТНОГРАФИК ТАДҚИҚОТЛАРИ .....	30-35
<i>Berdiqulov Mirolim Tugalvoyevich</i> TO'DA-1 NEOLIT MAKONINING O'ZBEKISTON TOSH DAVRI ARXEOLOGIYASINI O'RGANISHDAGI O'RNI .....	36-40
<i>Olimjonova Gulida Olimjon qizi</i> O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA DAVLAT BOJXONA XIZMATI ORGANLARI FAOLIYATI ..	41-47
<i>O'ng'arov Lazizbek Amiriddin o'g'li</i> NUROTA TOG' TIZMASINING TOSH DAVRI ARXEOLOGIYASINING O'RGANILISH TARIXI..	48-53
<i>Rahmonov Faxriddin Shoymardonovich</i> MILLIY DEHQONCHILIK MADANIYATINI ETNO-TARIXIY MANBALARDA AKS ETISHI (JANUBIY O'ZBEKISTON MISOLIDA) .....	54-58
<i>Tilavboyev Muhammad</i> JIZZAX VOHASIDA OT BILAN BOG'LIQ URF-ODATLAR VA MAROSIMLAR .....	59-63
<i>To'xtaboyev Xurmatullo Shomirza o'g'li</i> O'ZBEKISTON ILM-FANI RIVOJIDA FARG'ONA DAVLAT UNIVERSITETINING O'RNI (MUSTAQILLIK YILLARI MISOLIDA) .....	64-68
<i>Рахматиллаев Хасанбой</i> МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ҚАДИМГИ ДАВР ЭТНИК ТАРИХИНИ ЁРИТИШДАГИ АЙРИМ МУАММОЛИ МАСАЛАЛАР ВА УСУЛЛАРГА ДОИР .....	69-74
<i>Qurbanova Manzila Boqiyevna</i> BUXORO VOHASI MILLIY SHIRINLIKHLARI VA ICHIMLIKHLARI .....	75-80
<i>Ravshanova Gulora</i> QASHQADARYO VOHASIDA MUNTAZAM QUROLLI HARAKATLAR TA'MINOTI (XX-asrning 20- yillarida) .....	81-85
<i>Зарипбаев Уснатдин Оракбаевич</i> ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ .....	86-90

<i>Baxronov Abdullo Haydar o'gli</i>	
O'ZBEKISTONDA TOSH DAVRI ARXEOLOGIYASINI O'RGANISHDA XALQARO EKSPEDISIYALARINING O'RNI .....	91-95
<i>Maxmatqulov Jasur Isroil o'g'li</i>	
GIYOHVANDLIKKA QARSHI KURASH MAVZUSINING NAZARIY-METODOLOGIK ASOSLARI .....	96-101
<i>Eanova Nilufar</i>	
O'ZBEKİSTON-TURKİYA HAMKORLIGI VA UNİNG NATİJASI (TO'QIMACHILIK SANOATI MISOLIDA) .....	102-106
<i>Норбоев Сарвар Қахрамон ўғли</i>	
АФРОСИЁБДАГИ СҮФД МУДОФАА ДЕВОРИГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ ЎРГАНИЛИШИ (XX АСРНИНГ 50-80-ЙИЛЛАРИ).....	107-111
<i>Эсонов Зиёдбек Юлдашевич</i>	
ФАРГОНА ВОДИЙСИ АҲОЛИСИ ТЎҚИМАЧИЛИК ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ АНЪАНАЛАРИ .....	112-117
<i>Tishabayeva Irodaxon Rasulovna</i>	
1960-1970 YILLARDA O'ZBEKISTONDA MAKTABGACHA TARBIYA MUASSASALARI FAOLIYATI .....	118-124
<i>To'xtamisheva Fotima Musurmonovna</i>	
MUSTAQILLIK YILLARIDA QASHQADARYO VOHASI KASHTADO'ZLIGIDA O'ZGARISHLAR.....	125-132
<i>Sattorov Nurbek</i>	
SHIMOLIY BAQTRIYA VA ZARAFSHON MINTAQALARIDA DEHQONCHILIK VA CHORVACHILIK MADANIYATI SOHIBLARI ETNOMADANIY ALOQALARINING O'ZBEK XALQI ETNOGENEZEI SHAKLLANISHIDAGI O'RNI .....	133-138
<i>Hazratov Nurali Burxon ug'li</i>	
QADIMGI KESH VILOYATI HUDUDIDAGI ARXEOLOGIK YODGORLIKALARINING O'RGANILISH TARIXIDAN .....	139-144
<i>Mamatqulov Bekzod Sherozovich</i>	
O'ZBEKISTONDA GAZ-OLTINGUGURT SANOATINING YUZAGA KELISHI VA UNING RIVOJLANISH TARIXI (QASHQADARYO VILOYATI MISOLIDA).....	145-149
<i>Berdiyev Jamshid</i>	
VOHA JOY NOMLARINING SHAKLLANISHIDA ETNONIMLAR VA PATRONIMLARNING TUTGAN O'RNI .....	150-155
<i>Djurakulov Sherzod Davronovich</i>	
SAMARQAND VILOYATI HUDUDIDI TOSH DAVRI ARXEOLOGIYASINING O'RGANILISHI TARIXI .....	156-161
<i>Курбанова Дилрабо Шерипбоевна</i>	
ПАРЛАМЕНТ ТАРИХИ ВА ТАРИХШУНОСЛИГИ .....	162-172

<i>Zuxriddin Boltayevich Juнаев</i> ХОРАЗМДА РЕСПУБЛИКА ТУЗУМИ: ЮТУҚЛАР ВА МУАММОЛАР (1920-1924 йиллар) .....	173-181
<i>Mamatiev Boxodir Bobojonovich</i> QASHQADARYO MUZEYIDAGI NODIR OSTODON .....	182-186
<i>Norqo'chqarov Xushvaqt Eshnazarovich</i> AFG'ONISTONDA O'ZBEK TILINING QONUNIY ASOSLANISHI, O'ZBEKLAR IJTIMOIY-MADANIY HAYOTIDAGI O'RNI (XX ASR – XXI ASR BOSHLARI) .....	187-197
<i>Ibragimov Rahmon Ziyodullaevich</i> ТОШКЕНТ ВОҲАСИ СҮНГИ БРОНЗА ДАВРИ ТАРИХИ ТИЗИМИДА: Дағн үдуми ва миграция масалалари .....	198-203
<i>Azamatova Gulmira Bayirbekovna</i> ОДАМ САВДОСИГА УЧРАГАН МИГРАНТ ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР .....	204-208
<i>Tishabayeva Irodaxon Rasulovna</i> 1960-1970 YILLARDA O'ZBEKİSTONDA MAKTABGACHA TARBIYA MUASSASALARI FAOLIYATI .....	209-215
<b>08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ</b>	
<i>Ostonokulov Azamat Abdurakovich, Inoyatov Mardonbek Mo'min o'g'li</i> DAVLAT SEKTORIDA ICHKI AUDITNING XALQARO STANDARTLARI .....	216-226
<i>Kurbaniyazov Shaxzodbek Karimovich</i> O'ZBEKİSTONDA KORPORATIV BOSHQARUV TASHKILIY- IQTISODIY MEXANIZMI SAMARADORLIGINI OSHIRISHNING NAZARIY VA USLUBIY ASOSLARI .....	227-232
<i>Отабеков Отажон Гайрат ўғли</i> ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ОПТИМАЛ СОЛИҚ ЮКИ ВА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ МАСАЛАЛАРИ .....	233-243
<i>Шакирова Фарғат Болтаевна</i> ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА БАҲОЛАШ ИНДИКАТОРЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ .....	244-255
<i>Мамбетназаров Бахыт Бисенбаевич</i> ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЬЕТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ .....	256-263
<i>Jumaniyazova Ro'za Quvondiq qizi</i> TURIZM INFRATUZILMASI TUSHUNCHASI VA UNING O'ZIGA XOS JIHATLARI .....	264-269
<i>Matniyozov Murodjon Rajabbayevich</i> DESTINATSIYA IMIDJINI SHAKLLANTIRISHDA TURISTLARNING SODIQLIGI VA QONIQISHINING AHAMIYATI .....	270-278

<i>Хамирова Зарифа Урол қизи</i>	
ДАВЛАТ СЕКТОРИДА ИЧКИ АУДИТ ВА ДАВЛАТ МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТ ТАДБИРЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ .....	279-291
<i>Toshaliyeva Saodat Toxirovna</i>	
KICHIK TADBIRKORLIK TUSHUNCHASI VA UNING IJTIMOIY-IQTISODIY MOHIYATI ....	292-296
<i>Худойназаров Фахрутдин Хаитович</i>	
ИБН ХАЛДУННИНГ ИҚТИСОДИЁТГА ТАВСИЯЛАРИ .....	297-304
<i>Nurullayev Hoshimjon Hamidovich</i>	
GASTRANOMIYANING TURIZM RIVOJLANISHIDAGI AHAMIYATI .....	305-313
<i>Кадырова Шарофат Амоновна</i>	
ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ РАЗВИТИЯ СФЕРЫ УСЛУГ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ....	314-323
<i>Бегматова Зиёда Захиджановна</i>	
ДАВЛАТ ИНТЕРАКТИВ ХИЗМАТЛАРИ ТИЗИМИ АСОСИДА КАДРЛАР БАНДЛИГИНИ ВА УЛАРГА ТАЛАБНИ БАҲОЛАШ .....	324-332
<i>Shafkarov Bakhrom Khudoyberdievich</i>	
TERRITORIAL FEATURES AND THEIR EFFECTIVE USE IN THE CULTIVATION OF VITICULTURE PRODUCTS .....	333-340
<i>Masharipova Fazilat Axmedovna</i>	
OZIQ-OVQAT XAVFSIZLIGINI TA'MINLASHDA RAQAMLI IQTISODIYOTNING AHAMIYATI .....	341-348
<i>Мусинов Дишод Султанович</i>	
ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИННИНГИЖТИМОЙ ВА ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ОМИЛИ СИФАТИДА .....	349-359
<i>Шакирова Юлдуз Сайдалиевна</i>	
ВОПРОСЫ РАЗРАБОТКИ ДОРОЖНОЙ КАРТЫ АКТИВИЗАЦИИ ИННОВАЦИОННЫХ ПРОЦЕССОВ .....	360-368
<i>Абдиовохидов Мамуржон Авазхон ўғли</i>	
РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНГ МАЗМУНИ, ТАВСИФИ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ .....	369-380
<i>To'xtasinova Muxayyo Mirzasultonovna</i>	
DAVLATNING INNOVATSION TIZIMINI SHAKLLANTIRISH MASALASIGA .....	381-388
<i>Курбанова Раҳима Джамшедовна, Мирзаева Ширин Нодировна</i>	
РОЛЬ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО КАПИТАЛА В СТИМУЛИРОВАНИИ ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ .....	389-403
<i>Набиева Нилуфар Муратовна</i>	
ОСОБЕННОСТИ КОМПЛЕКСА МАРКЕТИНГОВОГО ПРОДВИЖЕНИЯ КОМПАНИИ В ЦИФРОВОЙ СРЕДЕ .....	404-416

<i>Safarov Radjabboy Eshmukhammadovich</i>	
KAMBAG'ALLIKNI QISQARTIRISHDA INDIVIDUAL DAROMADGA SOLIQLAR MEXANIZMIDAN SAMARALI FOYDALANISH MASALALARI .....	417-428
<i>Sharipova Zulayho</i>	
SANOAT TARMOQLARI KLASTERLARINI RIVOJLANTIRISH VA SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO'LLARI .....	429-434
<i>Шарипов Акбар Илхамович</i>	
ЧАКАНА САВДО КОРХОНАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА РА҆КАМЛИ МАРКЕТИНГНИ РОЛИ .....	435-440
<i>Хаджаев Хабибулла Сагдуллаевич</i>	
ОБЪЕКТИВНАЯ НЕОБХОДИМОСТЬ И ЭКОНОМИЧЕСКАЯ СУЩНОСТЬ АНТИМОНОПОЛЬНОЙ ПОЛИТИКИ В РАЗВИТИИ НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКИ.441-447	
<i>Xamzayeva Dilfuza Samarovna</i>	
SURXANDARYO VILOYATIDA TURISTIK MAHSULOTLARNI BAHOLASH VA SAMARALI RIVOJLATIRISH IMKONIYATLARI .....	448-452
<i>Усманова Насиба Акбаржоновна</i>	
ПУТИ РАЗВИТИЯ МЕНЕДЖМЕНТА В СФЕРЕ УСЛУГ .....	453-459
<i>Исхакова Сарвар Аюбовна</i>	
ЦИФРОВАЯ ТРАНСФОРМАЦИЯ И ЕЕ ВЛИЯНИЕ НА ЗАНЯТОСТЬ И КВАЛИФИКАЦИЮ ПЕРСОНАЛА В СФЕРЕ БЫТОВОГО ОБСЛУЖИВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ .....	460-467
<i>Ollanazarov Bekmurod Davlatmuratovich</i>	
INNOVATSION TADBIRLIKNI MOLIYALASHTIRISHDA MUQOBIL MOLIYALASHTIRISH VOSITALARIDAN FOYDALANISH VA UNI TURISTIK XIZMATLAR SOHASIDA QO'LLASH IMKONIYATLARI .....	468-479
<i>To'ychiyeva Nodira G'ulom qizi</i>	
OLIY TA'LIMNI BOSHQARISHDAGI INNOVATSIYALAR. CHAT GPT YOHUD SUN'YIY INTELLEKT .....	480-485
<i>Абдураҳимова Саида Аҳмаджановна, Адилова Гўзал Абзаловна</i>	
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛANIШ ТАҲЛИЛИ .....	486-494
<i>Maxsudov Sherzod Solijonovich</i>	
TO'QIMACHILIK SANOATI KORXONALARIDA INVESTITSION MUHIT JOZIBADORLIGINI BOSHQARISHNING ZAMONAVIY TENDENSIYALARI .....	495-500
<i>Tadjibekova Dilnoza Bakhtiyorovna</i>	
ENHANCING FINANCIAL RESOURCE FORMATION IN BUSINESSES .....	501-506
<i>Radjabova Malika Ziyodullayevna</i>	
AHOLI BANDLIGINI TA'MINLASH ISTIQBOLLARI XUSUSIDA .....	507-512

**09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ**

<i>Asraqulova Adiba Nabiyevna</i>	
ZAMONAVIY DAVRDA IQTISODGA FALSAFIY QARASHLAR .....	513-520
<i>Жўраев Аҳмад Муҳаммадиевич</i>	
ТИНЧЛИКПАРВАРЛИК ФОЯЛАРИНИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ .....	521-530
<i>Гуламова Мавжуда Ташиулатовна</i>	
АХМАД ЗИЁУДДИН АЛ-КУМУШХОНАВИЙ АСАРЛАРИДА КОМИЛ ИНСОН ФОЯЛАРИНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ .....	531-538
<i>Abduxolikova Nasiba Alijonovna</i>	
YOSHLARNING ONLAYN TA'LIM JARAYONIGA TA'SIR ETUVCHI IJOBIY SALBIY OMILLAR .....	539-544
<i>Yazdonov Zikirillo Shukurilloyevich</i>	
QALANDARIYLIK VA UNING INSON, JAMIYAT TIZIMIDAGI O'RNI .....	545-552
<i>Sharipova Barno Salimovna</i>	
BIOETIK MADANIYATNING RIVOJLANISH BOSQICHLARI VA UNING ZAMONAVIY IMIJI .....	553-558
<i>Xalikulova Umida Rustamovna</i>	
AXBOROT MUHITINING OLIY TA'LIMGA TA'SIRI: KONSTRUKTIV VA DESTRUKTIV OMILLAR .....	559-564
<i>Abbasova Maftuna Subxonovna, Temirova Xurshida</i>	
OILA VA NIKOH MA'NAVIYATI, OILANI MUSTAHKAMLASH OMILLARI .....	565-571
<i>Tog'ayev Nodirjon Ergashevich</i>	
AJDODLARIMIZ BOY ILMIY MEROSINING O'ZBEKİSTONDA MA'RIFATLI JAMIYAT QURISH HAMDA YOSHLAR TARBIYASIDA TUTGAN O'RNI .....	572-576
<i>Kipchoqov Xomidjon Gulomovich</i>	
JAVOBGARLIK PRINSIPINI SHAKLLANTIRISH AXLOQSHUNOSLIKNING ASOSIY MASALASI SIFATIDA .....	577-581
<i>Raximova Rayxon Abdurasulovna</i>	
ZAMONAVIY OILADA MA'NAVIY-AXLOQIY QADRIYATLARNI SHAKLLANTIRISH: MUAMMONING NAZARIY VA USLUBIY TAHLILI .....	582-586
<i>Аззамова Нилюфар Шухратовна</i>	
"АДАБ АЛЬ-ТАБИБ" КАК ИСТОЧНИК НАЦИОНАЛЬНОЙ БИОЭТИКИ .....	587-591
<i>Axmadiyev Nuriddin Muxutdinovich</i>	
INTELLEKTUAL MADANIYAT YOSHLARNING INNOVATSION FAOLLIGINI OSHIRISHNING MUHIM MEZONI SIFATIDA .....	592-596
<i>Nabiiev Mansur Jamxur o'g'li</i>	
DEMOKRATIK JAMIYAT TARAQQIYOTIDA IJTIMOIY G'OYALAR EVOLYUTSIYASI VA MODERNIZATSİYASI .....	597-603

<i>Kenjayeva Dilrabo Romanovna, Xaydarova Larisa Sunnatovna</i>	
GLOBALLASHUV SHAROITIDA MILLIY MADANIYAT SOHASIDAGI O'ZGARISHLARNING O'ZIGA XOS JIHATLARI .....	604-609
<i>Abduraximova Tursunoy Abduvoxid qizi</i>	
O'ZBEKISTONDA OLIY TA'LIM TRANSFORMATSIYASINING FALSAFIY MOHIYATI .....	610-615
<i>Tagayev Ganisher Xasanovich</i>	
YOSHLAR ETNOESTETIK DUNYOQARASHINI RIVOJLANTIRISHDA BADIY-ESTETIK OMILLARNING O'RNI .....	616-625
<i>Шоназаров Жамишид Шухратович</i>	
БЕҲБУДИЙ ВА УНИНГ ДАВЛАТЧИЛИК ФОЯСИ .....	626-630
<i>Ҳамраев Сироҷ Абруевич</i>	
ЖАМИЯТ ЯНГИЛАНИШИ ВА ТАДБИРКОР МАҶНАВИЯТИ .....	631-637
<i>Nabiyev Bekzod Muxammadumarovich</i>	
MAFKURAVIY ISHLARNI TASHKIL ETISHDA ZAMONAVIY TARG'IBOT TEXNOLOGIYALARI: O'ZBEKISTON VA XORIJ TAJRIBASI .....	638-642
<i>Hashimova Gulsina Ismoyilovna</i>	
HARBIY IJTIMOIY ISH VA HARBIY MADANIYATNING HARBIY XIZMATCHILAR FAROVONLIGINI TA'MINLASHDAGI ROLI .....	643-648
<i>Karimova Gulnoza Yigitaliyevna</i>	
AXLOQIY MADANIYAT TUSHUNCHASINI RIVOJLANTIRISHNING IJTIMOIY ZARURIYATI .....	649-655
<i>Sharipova Kamola Usmonjonovna</i>	
YANGI O'ZBEKISTONDA GENDER TENGLIKNI TA'MINLASH BO'YICHA ILG'OR XORIJUY DAVLATLAR TAJRIBASINI MILLIY STRATEGIYAGA TRANSFORMASIYALASH ISTIQBOLLARI .....	656-661

*08.00.00- Иқтисодиёт фанлари*

**Абдивохидов Мамуржон Авазхон ўғли**  
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти  
мустақил тадқиқотчиси  
E-mail: @mamurbek0424

## **РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИННИГ МАЗМУНИ, ТАВСИФИ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**Аннотация.** Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши таҳлил қилинади. Бунда асосий эътибор кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолияти, уларнинг хизмат кўрсатиш соҳасидаги ўзгаришларга мослашиш қобилияти, шунингдек, иқтисодиётнинг ҳудудий тузилмаси барқарорлигини таъминлашдаги ролига қаратилган. Иқтисодиётнинг савдо, транспорт ва хизмат кўрсатиш каби турли тармоқлари бўйича статистик маълумотлар таҳлил қилинади. Рақамли технологияларнинг электрон тижоратга таъсирига алоҳида эътибор қаратилиб, мамлакатимиз ҳудудларида аҳоли жон бошига ушбу соҳадаги хизматлар ҳажмини ҳисоблаш методологияси таклиф этилди.

**Калит сўзлар:** рақамли иқтисодиёт, кичик бизнес, тадбиркорлик, савдо, транспорт, хизматлар, электрон тижорат, минтақавий ривожланиш, статистик маълумотлар, тенденциялар, асосий кўрсаткичлар, аҳоли жон бошига хизматлар ҳажми, ривожланиш чоралари, иқтисодий барқарорлик.

**Abdivokhidov Mamurjon Avazkhan ugli**  
Independent researcher at the Samarkand Institute  
of Economics and Service

## **CONTENT, DESCRIPTION AND DIRECTIONS FOR DEVELOPMENT OF THE SERVICE SECTOR IN THE DIGITAL ECONOMY**

**Abstract.** This article conducts an analysis of the development of the service sector in the context of the digital economy in the Republic of Uzbekistan. Special attention is given to the activities of small businesses and entrepreneurship, their adaptive capacity to changes in the service sector, and the role they play in ensuring the stability of the territorial structure of the economy. Statistical data on various sectors such as trade, transport, and the service industry are analyzed. Emphasis is placed on the impact of digital technologies on e-commerce, and a methodology for calculating the volume of services in this sector per capita in different regions of the country is proposed.

**Keywords:** Digital economy, small business, entrepreneurship, trade, transport, service sector, e-commerce, regional development, statistical data, trends, key indicators, per capita service volume, development measures, economic stability.

**Абдивохидов Мамурджон Авазхан угли**  
Независимый исследователь Самаркандского  
института экономики и сервиса

## СОДЕРЖАНИЕ, ОПИСАНИЕ И НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ СФЕРЫ УСЛУГ В ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКЕ

**Аннотация.** В данной статье проведен анализ развития сферы услуг в условиях цифровой экономики в Республике Узбекистан. Основное внимание уделено деятельности малого бизнеса и предпринимательства, их адаптивной способности к изменениям в сфере услуг, а также роли, которую они играют в обеспечении стабильности территориальной структуры экономики. Анализируются статистические данные о различных отраслях экономики, таких как торговля, транспорт и сфера услуг. Особое внимание уделяется влиянию цифровых технологий на электронную коммерцию, а также предлагается методика расчета объема услуг в этой сфере на душу населения в регионах страны.

**Ключевые слова:** Цифровая экономика, малый бизнес, предпринимательство, торговля, транспорт, сфера услуг, электронная коммерция, региональное развитие, статистические данные, тенденции, ключевые показатели, душевой объем услуг, меры развития, экономическая стабильность.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SP1342V3I12.1Y2023N52>

**Кириш.** Ривожланаётган иқтисодий муносабатлар шароитида жамиятни турли хил хизматлар кўрсатишга ихтисослашган миллий иқтисодий тизимининг таркибий қисми бу хизмат кўрсатиш соҳасидир.

Хизмат кўрсатиш соҳаси ҳар бир ҳудуднинг ижтимоий – иқтисодий ривожланиш ҳолатини акс эттирувчи миллий иқтисодиётнинг энг муҳим тармоғи ҳисобланади. Бу соҳанинг ривожланиш даражасига инновацион ва рақамли иқтисодиётнинг муҳим белгилари сифатида ҳам қараш мумкин. Шу билан бирга хизмат кўрсатиш соҳаси хусусий секторда иқтисодий фаолият билан банд бўлишнинг ҳам энг қулай шаклидир. Шунинг учун мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасини ислоҳ қилишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бу борада, 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегиясида мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва мақсадлари белгиланган. Жумладан :

- Худудларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш орқали кейинги 5 йилда хизмат кўрсатиш ҳажмини 3 бараварга ошириш ҳамда ушбу йўналишда жами 3,5 миллион янги иш ўринларини яратиш.
- Шаҳар ва туманлар марказларида аҳолининг кундалик эҳтиёжи юқори бўлган майший ва коммунал хизматларни ривожлантириш бўйича пуллик сантехника, электрик, уй жиҳозларини таъмирлаш, кейтеринг каби хизматларни кўрсатиш пунктларини ривожлантириш.
- Республика ҳудудларида савдо ва йўлбўйи хизматларини ривожлантириш орқали 130 та замонавий бозорлар ва савдо комплекслари, шунингдек, йўлбўйи инфратузилмасини ривожлантириш бўйича 65 та йирик ҳамда 5000 та кичик хизмат кўрсатиш объектларини ташкил этиш.
- Сервис соҳасида яширин иқтисодиёт улушкини 3 бараварга қисқартириш. Хизматлар соҳасининг жозибадорлигини ошириш мақсадида соҳадаги тадбиркорлик субъектларига қўшимча имтиёзлар тақдим этиш.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 февралдаги «2016-2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури

тӯғрисида"ги 55-сон қарорида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга оид муҳим амалий чора-тадбирлар белгилаб қуилган.

Ушбу белгиланган мақсад ва вазифалар рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, шунингдек бу соҳада тадбиркорликнинг турли ташкилий-ҳуқуқий шаклларини кенгайтириш ва қўллаб-қувватлаш учун асос бўлиб хизмат қиласди.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** Илмий манбалар бугунги кунда хизматлар соҳасининг ижтимоий ҳаётимиздаги аҳамиятидан келиб чиқиб, бу соҳани ўрганишга бўлган қизиқишилар тобора ортиб бораётганлигини кўрсатди. Шу боисдан хизмат тушунчасининг моҳиятини очиб беришнинг турли хил ёндашувларини учратиш мумкин. Хусусан, маҳаллий ва хорижлик олимлар турли даврларда хизматларнинг терминологик базасини ўрганишган, улар Ф. Котлер, В.А. Плотников, М.Г. Иваненко, Г.Ассэль, О.Я. Свириденко, М. Гойхмана, П. Дойл, К. Хаксевер, Б. Рендер, Р. Рассел, Р.Мердик, F.Х. Кудратов, М.Қ. Пардаев, Б.А. Абдукаrimov ва б. (1-жадвал).

### 1-жадвал.

Хизмат кўрсатиш ва сервис тушунчаларининг турли манбалардаги талқини ва тавсифи

Хизмат кўрсатиш тушунчасининг моҳияти	Тавсифи	Манбаси
"сервис" инглизча "service" сўзидан олинган бўлиб, "ахолига майший хизмат кўрсатиш"ни англатади	"сервис" тушунчаси "ахолига майший хизмат кўрсатиш" тушунчасига эквивалент мазмунга эга деб қаралган	Плотников В.А., Иваненко М.Г. Подходы к анализу понятий «сервис» и «услуга». Журнал. Технико-технологические проблемы сервиса №3(33) 2015, стр.70.
хизмат ёки хизматлар - бир томон бошқасини таклиф қилиши мумкин бўлган ҳар қандай фаолият; ҳеч нарсага эгалик қилишга олиб келмайдиган номоддий ҳаракат. Хизматларни тақдим этиш моддий маҳсулотларни ўз ичига олиши ёки олмаслиги мумкин.	эҳтиёжларни қондиришга қаратилган инсон фаолияти сифатида қаралган	Котлер Ф. Маркетинг-менеджмент. Экспресс-курс. — 2-е изд.: Пер. с англ.; под ред. С.Г. Божук. — СПб.: Питер, 2005. - С. 301
хизматлар истеъмолчилар томонидан сотиб олинадиган, лекин мулк	мулк шаклига эга бўлмаган номоддий товар сифатида қаралган	Ассэль Г. Маркетинг: принципы и стратегия: Учебник для вузов. — М.: ИНФРА-М, 2001,-С. 337

билан боғлиқ бўлмаган номоддий товарлардир		
сервис - турли фаолият соҳаларида хизматларни таклиф этиш йўли билан индивид ёки корхоналарнинг эҳтиёжлари ва қизиқишлигини сифатли қондиришга қаратилган субъект ёки ташкилотлар фаолиятидир	сервис ва хизмат тушунчалари бир-бирига синоним тушунча сифатида қаралиб, хизматларни таклиф этувчи субъект сифатида қаралган	Сервис и туризм: словарь-справочник / Под ред. Ю.П. Свириденко, О.Я. Гойхмана. М.: Альфа-М, 2008. 432 с.
сервис - бу алохидা инсонлар, ижтимоий гуруҳлар ёки ташкилотлар томонидан талаб қилинадиган хизматларни тақдим этиш орқали мижознинг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган инсон фаолиятининг маҳсус кўринишидир	сервис ва хизмат тушунчалари ўхшаш тушунча сифатида қаралиб, сервисга инсон фаолияти шакли сифатида ёндошилган	<a href="https://studopedia.ru/2_7837_vidi-servisnoy-deyatelnosti.html">https://studopedia.ru/2_7837_vidi-servisnoy-deyatelnosti.html</a>
сервис фаолияти - бу индивидуал хизматлар кўрсатиш орқали одамларнинг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган фаолият туридир	сервисга фаолият тури сифатида ёндошилган	Плотников В.А., Иваненко М.Г. Подходы к анализу понятий «сервис» и «услуга». Журнал. Технико-технологические проблемы сервиса №3(33) 2015, стр.70.
сервис (хизмат): моддий ёки жамғарib борувчи шаклга эга бўлмаган иқтисодий фойда	“сервис” ва “хизмат” тушунчалари бир-бирини тўлдирувчи ва ёки эквивалент тушунчалар сифатида қаралган	Экономика: Толковый словарь: англо-русский. — М.: ИНФРА-М; Весь Мир, 2000. -С. 661
“сервис – сервис (аҳолига хизмат кўрсатиш, хизмат)”, “сервис” ва “хизмат” тушунчалари бир-бирига ҳамоҳанг ва	“сервис” тушунчаси “хизмат”, “хизмат кўрсатиш” тушунчалари билан ҳамоҳанг, ўхшаш, синоним,	Қудратов Ф.Х., Пардаев М.К., Абдукаримов Б.А. “Сервис ривожи – аҳолининг бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини ошириш омили”. Т.: “Fan va

ўхшаш синоним сўзлар сифатида қўлланилади	бир-бирини тўлдирувчи ва эквивалент тушунчалар сифатида қаралган.	tehnologiya" нашриёти, 2007. – 12 б.
хизмат - бу ҳаракат ёки фойда, унинг харидори ҳеч қандай моддий объектга эгалик ҳуқуқини олмайди	хизмат тушунчасига иқтисодий ва хуқуқий категория сифатида қаралган	Дойль П. Менеджмент: стратегия и тактика. — СПб.: Питер, 1999. — С. 448
хизматлар иқтисодий фаолият туридир. Хизматлар - бу ҳаракатлар, ишлар ёки ишларни бажариш; улар номоддийдир	хизматлар иқтисодий фаолият туридир. улар номоддий шаклга эга эканлиги тушунтирилган	Хаксевер К., Рендер Б., Рассел Р., Мердик Р. Управление и организация в сфере услуг. — М., 2002. - С. 25
хизмат сотиш ёки сотиб олиш мумкин бўлган, лекин оёққа йиқилмайдиган нарсадир	хизматлар моддий кўринишга эга бўлмаган сотув обьекти сифатида қаралган	Economist. Service market. — 1994. — № 3
хизматлар - буюртма асосида бажариладиган ва мустақил маҳсулот ёки товар яратишга олиб келмайдиган ишлар	хизматлар товар яратмайдиган ишлар	Новый экономический и юридический словарь / Под. ред. А.Н. Азрилияна. — М.: Ин-т новой экономики, 2003

**Манба:** ўрганилган илмий манбалар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Мазкур илмий манбаларнинг аксариятида хизматлар тушунчасининг моҳияти ушбу фаолият турига хос бўлган белгилари ва хусусиятлари орқали очиб берилган. Жумладан, сервисга фаолият сифатида ҳам ёндашилган (Плотников В.А., Иваненко М.Г.). Агар бундай ёндашувлар моҳиятидан келиб чиқсан, сервис — бу фаолият бўлиб, хизмат-эса сервис фаолиятининг натижаси деган қараш тўғри бўлади деган холосага келинди.

**Тадқиқот методологияси.** Рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат қўрсатиш соҳасининг миллий иқтисодиётдаги аҳамиятини очиб бериш дастлаб “хизмат қўрсатиш” ва “сервис фаолияти” тушунчаларининг ижтимоий-иктисодий моҳиятини очиб беришни тақозо этади. Шу мақсадда кўп сонли тадқиқотлардан (google қидирув тизими орқали) “хизмат қўрсатиш” калит тушунчасига оид жами 1450000 та манба борлиги аниқланди. Шулардан энг кўп иқтибос берилган манбалар таҳлил учун танланиб, қиёсий таҳлил усулида ўрганилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Сўнгги йилларда республикамизда рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида иқтисодиёт тармоқлари бўйича кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолияти қуйидаги кўринишда намоён бўлмоқда: 2022 йилда фаолият қўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг саноат ишлаб чиқариш

ҳажмида ўсиши 2018 йилга нисбатан 62,1 %, қурилишда 149,9%, бандликда 0,92%, экспортда 49,4%, импортда 38,8%, савдода 120,1%, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигига 81,0%, хизматлар 105,0%, юк ташиш -3,9%, юк айланмаси 23,4%, йўловчи ташиш 6,9%, йўловчи айланмасида эса 7,4%га ўсган (2-жадвал).

## 2-жадвал.


**Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш тармоқларидағи асосий кўрсаткичлари ҳажми**

Кўрсаткичлар	2018	2019	2020	2021	2022	2018-2022 й.й.да ўсиш, %да
Саноат (млрд.сўм )	87962,0	83344,2	103020,8	121719,2	142611,7	62,1
Қурилиш (млрд.сўм)	37451,7	53960,9	63866,6	77762,0	93620,8	149,9
Бандлик (минг киши)	10128,8	10318,9	9865,7	10070,7	10222,9	0,92
Экспорт (млн.АҚШ.дол)	3810,8	4714,8	3100,9	3711,2	5696,2	49,4
Импорт (млн.АҚШ.дол)	10916,2	14972,2	10943,3	12389,0	15154,1	38,8
Савдо (млрд.сўм)	114896,4	138920,7	164106,1	204787,4	253573,4	120,1
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (млрд.сўм)	191759,2	219466,9	253238,2	307280,2	347222,0	81,0
Хизматлар (млрд.сўм)	84433,4	103106,6	114052,7	144812,7	173157,7	105,0
Юк ташиш (млн.тонна)	611,7	641,0	638,9	678,9	588,1	-3,9
Юк айланмаси (млн.тонна-км)	11657,7	12152,3	12304,6	13108,1	14394,9	23,4
Йўловчи ташиш (млн.йўловчи)	5242,6	5345,0	4904,8	5237,6	5606,0	6,9
Йўловчи айланмаси (млн.пасс.км)	115335,2	117412,7	107766,7	114681,5	123882,5	7,4

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги статистика агентлиги маълумотлари

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг муҳим жиҳати шундаки, улар бу соҳадаги талабнинг ўзгаришига ҳаммадан тез мослашади. Шу билан бирга, улар фаолиятини ташкил этиш кам ресурс талаб этади ва инқирозга юз тутганда катта иқтисодий заرارга учрамайди. Бунинг натижасида иқтисодиётнинг ҳудудий тузилмаси барқарорлигини таъминлашга кўмаклашади. Ўзбекистонда 2018-2022 йиллардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиёт тармоқларидағи асосий кўрсаткичлари шуни кўрсатмоқдаки, умум ҳисобда иқтисодиёт тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг асосий кўрсаткичлари бўйича энг юқори ўсиш суръатлари қурилиш (149,9%), саноат (62,1%) тенденцияси қузатилган. Бироқ, бундай ўсишда хизмат кўрсатиш соҳасининг роли ва улуши ҳали етарлича аҳамиятга эга эмас. Айниқса, юк ташиш хизматлари бўйича (-3,9 %), йўловчи ташиш (6,9 %), юк айланмаси (23,4%), йўловчи айланмасида (7,4 %)га ўсганлигини қузатиш мумкин (2-жадвал). Бундай ўсиш суръатлари республикамида рақамли иқтисодий муносабатларнинг жадаллашуви шароитида ҳали етарли эмас. Бундай хизмат турларини кўрсатиш бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ролини ошириш энг аввало хизмат кўрсатиш жараёнларининг рақамли технологиялар асосида тезкорлигини ошириш чораларини кўриш заруратини белгилайди бу эса, вақтни тежаш имконини бериб меҳнат унумдорлигининг ўсишига олиб келиши мумкин.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятининг чуқур ихтисослашувини ҳамда бу жараёнларда давлат хусусий шерикчилигини жорий қилиш имкониятларини кенгайтириш имкониятларини аниқлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай ёндашувга кўра, рақамли иқтисодиёт шароитидан келиб чиқиб хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятининг асосий йўналишларини тавсифлаш мумкин (1 – расм).



### 1 - расм. Хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий фаолият йўналишлари<sup>1</sup>

Хизмат кўрсатиш соҳаси тадбиркорлик фаолиятида савдо-воситачилик хизматлари асосий ўринни эгаллади. Бунда товар ва хизматларни ишлаб чиқарувчилардан истеъмолчиларга етказиб бериш билан боғлиқ бўлган турли хил хизматлар кўрсатилади. Тижорат соҳасида савдо воситачилик улгуржи ва чакана савдога ҳамда молиявий воситачилик фаолият турларига бўлинади. Улар томонидан кўрсатиладиган хизматларни мазмuni ва объектига кўра ҳам фарқлаш мумкин. Бунда улгуржи ва чака савдо хизматларини кўрсатиш ўз таркибига сотиб олиш, сотиш ва қайta сотиш хизматларини кўрсатишни олса, молиявий воситачилик хизматлари объекти бўлиб, пул, валюта, қимматли қоғозлар, суғурта полислари ҳисобланади.

Хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш шакллари ичida аҳолига кўрсатиладиган ташиб ва сақлаш хизматлари муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Бу фаолият тури озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш, маданий-маиший ускуналарни ижарага бериш, таъмирлаш, аҳолига транспорт хизматларини кўрсатиш, транспорт воситаларини таъмирлаш, хонадонларга зарур хўжалик буюмларини (хўжалик ва маданий майший жиҳозлар, асбоб-ускуналар), мебель, қурилиш материаллари, истеъмол товарларини етказиб бериш, озиқ-овқат маҳсулотларини

<sup>1</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

қайта ишлаш ва сақлаш, маҳсулдор ҳайвон ва ўсимликларни сақлаш қаби сервис хизмат турларини қамраб олади.

Яшаш ва овқатланиш хизматлари соҳасида тадбиркорлик фаолияти турларига умумий овқатланиш (кафе, ресторон, миллий ошхоналарда буюртма бўйича турли хил тансиқ таомлар тайёрлаш ва етказиб бериш, турли хил тадбирлар ва тўй базмларини ташкил этиш), кийим, пойабзаллар, мебель, хўжалик ва маданий майший жиҳозлар таъмиrlash ва бошқа яшаш билан боғлиқ хизматларни киритиш мумкин.

Ҳозирги вақтда тадбиркорлик фаолияти ўз ўрнини уй-жой қурилиши ва коммунал комплекси соҳасида ҳам топмоқда. Мамлакатимизда қурилиш соҳасидаги ислоҳотлар жараёни кечиши муносабати билан тадбиркорлик субъектлари томонидан аҳолининг уй-жой, дала ҳовли, гаражлар ҳар хил ҳовли ва хўжалик биноларини қуриш ва таъмиrlash каби хизматлар кўрсатилмоқда.

Юқоридаги тадбиркорлик фаолиятининг хизмат кўрсатиш соҳалари бўйича юқори самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоблаш ва баҳолаш мумкин. Бундай ёндашувда савдо, яшаш ва овқатланиш, қурилиш, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа ҳамда соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар бўйича иқтисодий кўрсаткичлар солиширилади. Булар асосида иқтисодий фаолиятнинг турли соҳалари бўйича тадбиркорликнинг маълум бир иқтисодий самара ёки даромадга эга бўлишини баҳолаш мумкин.

Юқоридаги манбаларда (1-жадвал) рақамли иқтисодиёт шароитидан келиб чиқиб, хизмат кўрсатишнинг мазмуни, моҳияти, хусусиятлари, афзаллиги ёки қулайлигини акс эттирувчи илмий-назарий ёндашувлари етарлича тадқиқ этилмаган. Шу боис тадқиқотимиз олдида турган яна бир муҳим вазифалардан бири рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш соҳасининг ижтимоий-иктисодий моҳиятини тадқиқ этишдан иборатлиги белгилаб қўйилди.

Рақамли иқтисодиёт шароитида ҳам хизмат кўрсатиш соҳасининг моҳияти, унинг миллий иқтисодиётдаги хусусан, худудларни ривожлантиришдаги аҳамияти тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Рақамли иқтисодиёт – бу иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларни рақамли технологиялар асосида амалга ошириш тизимиdir. Баъзида у ахборот иқтисодиёти, интернет иқтисодиёти, электрон иқтисодиёт ёки веб-иктисодиёт деган терминлар билан ҳам ифодаланади. Рақамли иқтисодиётнинг асосий кўрсаткичлари тизими қўйидагилар ҳисобланади:

- Ахборот ва алоқа корхоналари сони;
- Кўрсатилган алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг ҳажми;
- Хизмат турлари бўйича интернетга кириш имкониятига эга уй хўжаликлари;
- АКТ секторида ишловчи ходимлар сони;
- Ахборот ва алоқа иқтисодий фаолият тури бўйича ходимлар иш ҳақи;
- Ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат соҳаларида яратилган ялпи қўшилган қиймат ҳажми;
- Ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат соҳаларида яратилган ялпи қўшилган қийматнинг ЯИМдаги улуши;

Дастурий таъминотга қилинган харажатларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши.

Агар рақамли иқтисодиёт шароитидан келиб чиқиб, хизмат тушунчасига таъриф берсак, хизмат – бу хизматларга бўлган эҳтиёжларни қондириш борасида хизматларни

сотиш ёки сотиб олиш билан боғлиқ муносабатларнинг рақамли технологиялар асосида амалга ошириш шаклидир. Рақамли иқтисодиёт шароитида хизматлар соҳасининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари қўйидагилар ҳисобланади:

- Ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат соҳаларида яратилган ялпи қўшилган қиймат ҳажми;
- Ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат соҳаларида яратилган ялпи қўшилган қийматнинг ЯИМдаги улуши.

Мамлакатимиз иқтисодиётини рақамлаштириш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланишини баҳолашда ҳудудий ёндашув услуби ҳам бу борадаги самарали бошқарув қарорларини ишлаб чиқишида муҳим аҳамиятга эгалигини кўрсатмоқда. Шундан келиб чиқиб, ҳудудларда рақамли иқтисодиёт шароитида кўрсатилган хизматларнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган ҳажми бўйича баҳолаш усулини таклиф этиш мумкин:

ҳисобот даврида ҳудуднинг доимий аҳолиси ўртача йиллик сони (минг киши);

ҳисобот даврида ҳудудда электрон тижорат соҳаларида кўрсатилган хизматлар ҳажми (млрд сўм).

Ҳудудларнинг рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланишини тавсифловчи хусусий кўрсаткичлари расмий статистика маълумотлари асосида аниқланади. Бунда, аҳоли жон бошига тўғри келадиган электрон тижорат соҳаларида кўрсатилган хизматлари ҳажмини қўйидаги формула орқали ҳисоблаш мумкин:

$$\text{АЖЕХХ} = \text{КЕХХ}/\text{AC}; \quad (1)$$

бу ерда,

**АЖЕХХ** — аҳоли жон бошига тўғри келадиган электрон тижорат соҳаларида кўрсатилган хизматлар ҳажми, (млрд сўм);

**КЕХХ** — ҳисобот даврида кўрсатилган электрон тижорат соҳаларида кўрсатилган хизматлар ҳажми (млн сўм);

**ҲАС** — ҳисобот даврида ҳудуддаги доимий аҳоли ўртача йиллик сони (минг киши).

Ушбу методика асосидаги ҳисоб-китоблар республикамиз ҳудудлари бўйича хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланишида электрон тижорат соҳаларида кўрсатилган хизматлар бўйича тафовутларни аниқлаш имконини беради.

**Хулоса ва таклифлар.** Рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланишида қўйидаги тенденциялар кузатилмоқда:

- рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш соҳаси тез суръатларда ўсиб, барча соҳа ва тармоқларнинг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бунда хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик субъектлари сонининг кўпайиши, рентабелли корхоналар улушининг ортиши, соҳада банд бўлганлар сонининг ўсиши каби ижобий тенденциялар кузатилмоқда. Шундай экан, ушбу соҳада тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишини баҳолашда соҳанинг ЯИМни шакллантиришдаги улуши, мазкур соҳадаги корхона ва ташкилотлар сони (тадбиркорлик субъектлари), соҳада иш билан банд аҳоли сони, жами корхоналарда ва яратилган иш ўринларидағи улуши, мамлакат экспорти таркибида хизматларнинг улуши, аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар ҳажми, аҳоли даромадлари таркибида хизматлар учун қилинган харажатлар,

жами инвестицияларда хизматлар соҳасининг улуши каби кўрсаткичларда ифодаланиши асосланди. Бироқ статистик маълумотларнинг етарли эмаслиги сабаб ушбу кўрсаткичлар динамикасини тузиш ва шу асосда рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш тенденцияларини баҳолаш масалалари ноаниқлигича қолди. Бундай ёндашув хизмат кўрсатиш соҳасининг миллий иқтисодиётдаги аҳамияти ва синергетик самарасини ҳам баҳолаш имконини беради.

- ахоли ва тадбиркорлик субъектлари томонидан рақамли технологиялар ва платформалар (телеграм бот) орқали мамлакат бўйича кенг қамровли ва ижтимоий зарур савдо хизматлари кўрсатилмоқда. Бунда хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш тенденциялари ва хусусиятлари турли фаолият соҳаларида турлича кечмоқда. Бироқ хизмат кўрсатиш соҳасининг турли фаолият шакллари бўйича рақамли савдонинг ривожланиш тенденцияларини баҳолашнинг мезон кўрсаткичлари ҳамон мавжуд эмас. Шу мақсадда хизмат кўрсатиш соҳасининг турли шакл ва йўналишлари бўйича рақамли савдо хизматларининг ривожланишини ҳисоблаш методикасини ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқдир. Бунда расмий статистика маълумотларига асосланган ҳолда, тадбиркорлик фаолиятининг ишлаб чиқариш, савдо-воситачилик ва хизмат кўрсатиш соҳалари бўйича қиёсий таҳлил этиш мақсадга мувофиқ келади.

Хизмат кўрсатиш категориясини тадқиқ этишнинг кўп қирралиги ва бу борадаги турли назарий ёндашувларни ўрганиш асосида, уларни қўйидаги йўналишларда ривожлантириш мумкин:

- хизмат кўрсатиш иқтисодий фаолиятнинг алоҳида тури эканлиги нуқтаи назаридан ёндашувлар;
- рақамли иқтисодиёт шароитидан келиб чиқиб, хизматларни сотиш ёки сотиб олиш жараёнларидаги иқтисодий муносабатлар тизимини рақамли технологиялар асосида амалга ошириш бўйича ёндошувлар;
- хизматларни истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнларини рақамлаштириш бўйича ёндошувлар ва б.

Келгуси тадқиқотларда хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини қўйидаги йўналишлар бўйича рақамлаштириш имкониятларини баҳолаш тўғри услубий йўналиш бериши мумкин:

- савдо ва умумий овқатланиш (чакана савдо, миллий ошхона ва ресторонлар) хизматлари;
- миллий ҳунармандчилик, таъмирлаш хизматлари ва касаначилик;
- компьютер ва замонавий ахборот технологиялари хизматлари (интернет кафе, кичик босмахона, уяли алоқага уланиш ва “пайнэт” каби хизмат турлари);
- транспорт хизматлари;
- фото ва гўзаллик салонлари (келинлик либослари ва тўй ускуналарини ижарага бериш ва б.).

### **Adabiyotlar/Литература/References**

1. O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022—2026-yillarga mo’ljallangan yangi O’zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to’g’risidagi 2022 yil 28 yanvar, PF – 60-sonli Farmoni.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 февралдаги “2016-2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги 55-сон Қарори.
3. Балаева А. Сфера услуг в мировой экономике: тенденции развития / А. Балаева, М. Предводителева // Мировая экономика и международные отношения. – 2007. – № 3. – С. 23 – 28.
4. Закирова И.Р. Методический инструментарий оценки конкурентного потенциала сервисного предпринимательства // АНИ: экономика и управление. 2016. №4 (17). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/metodicheskiy-instrumentariy-otsenki-konkurentnogo-potentsiala-servisnogo-predprinimatelstva> (дата обращения: 18.01.2020).
5. Плотников В.А., Иваненко М.Г. Подходы к анализу понятий «сервис» и «услуга». Журнал. Технико-технологические проблемы сервиса №3(33) 2015, стр.70.
6. Хайруллина Д.Р. Повышение эффективности управления развитием малых предприятий сферы услуг: дис. канд. экон. наук: 08.00.05. 2014. – 230 с
7. Христофорова И.В. Современные подходы к маркетингу услуг // Сервис Plus. 2008. № 1. С. 83-87.
8. Кудратов Ф.Х., Пардаев М.К., Абдукаримов Б.А.. “Сервис ривожи – аҳолининг бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини ошириш омили”. Т.: “Fan va tehnologiya” нашриёти, 2007. – 12 Б.
9. Сервис и туризм: словарь-справочник / Под ред. Ю.П. Свириденко, О.Я. Гойхмана. М.: Альфа-М, 2008. 432 с.
10. Рыночное предпринимательство: Теоретические основы и практика регулирования. Учеб.пособ. – М., 1994;
11. [https://studopedia.ru/2\\_7837\\_vidi-servisnoy-deyatelnosti.html](https://studopedia.ru/2_7837_vidi-servisnoy-deyatelnosti.html)
12. <https://geographyofrussia.com/20-stran-mira-s-naibolshej-dolej-sfery-uslug-v-strukture-vvp/>
13. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги маълумотлари ([www.stat.uz](http://www.stat.uz))

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

*Nº 12/1 (3) – 2023*

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари**” электрон  
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-  
сонли гувоҳнома билан давлат  
рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM”  
мастъалияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**  
100070. Тошкент шаҳри, Яққасарой  
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-  
уй. Электрон манзил:  
[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)  
**Боғланиш учун телефонлар:**  
(99) 602-09-84 (telegram).